Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2020 йил 6 январдаги 1019-сон қарорига
1-ИЛОВА

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг гувоҳномаси ва кўкрак нишони тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ

Мазкур Намунавий низом Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатига (бундан буён матнда депутат деб юритилади) гувоҳнома ва кўкрак нишон бериш, ундан фойдаланиш ва йўқолга ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда янгисини бериш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг гувоҳномаси депутатнинг ваколати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

2. Депутатнинг кўкрак нишони депутатлик мақомига эга бўлган мансабдор шахс сифатида ажратиб турувчи белги ҳисобланади.

Кўкрак нишони кўкракнинг чап томонига тақилади.

3. Депутатга гувоҳнома ва кўкрак нишони вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси томонидан (тегишли сайлов комиссияси депутатлар учун алоҳида юритилган махсус қайд дафтарида) рўйхатга олинганидан кейин тегишли сайлов комиссияси раиси ёки у ваколат берган шахс томонидан топширилади.

II боб. Депутатнинг гувоҳномаси

4. Депутатнинг гувоҳномаси тегишли вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиясининг раиси томонидан имзоланади.

5. Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатига гувоҳнома тегишли вилоят сайлов комиссияси томонидан 01 рақамидан 60 рақамигача у сайланган сайлов округи тартиб рақами бўйича берилади.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгаши депутатига гувоҳнома тегишли туман ва шаҳар сайлов комиссияси томонидан 01 рақамидан 30 рақамигача
у сайланган сайлов округи тартиб рақами бўйича берилади.

6. Бўшаб қолган ўринларга вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутати этиб сайланган депутатга гувоҳнома навбатдаги тартиб рақамидан бошлаб берилади.

III боб. Гувоҳнома ёки кўкрак нишонни янгисини олиш тартиби

7. Депутатнинг яроқсиз ҳолга келган гувоҳномаси ўрнига айнан шу рақам билан янги гувоҳнома берилади.

Депутатнинг яроқсиз ҳолга келган кўкрак нишони янгиси билан алмаштирилади.

Депутатнинг йўқолган гувоҳномаси ўрнига янги (дубликат) гувоҳнома навбатдаги тартиб рақами билан берилади.

8. Гувоҳномаси ёки кўкрак нишони йўқотилган ёхуд яроқсиз ҳолга келгани ҳақида депутат вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши орқали, тегишли сайлов комиссиясига дарҳол ариза билан мурожаат қилиши лозим. Аризага гувоҳнома ёки кўкрак нишонининг йўқотилган ёхуд яроқсиз ҳолга келганлиги сабаблари кўрсатилиши ва тегишли ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

Депутат гувоҳномасини ва (ёки) кўкрак нишонини йўқотган тақдирда унга ушбу Низомда белгиланган тартибда гувоҳнома ва (ёки) кўкрак нишони йўқолгани ҳақида ариза берган кундан бошлаб бир ой ичида янги гувоҳнома ва (ёки) кўкрак нишони берилади.

Топиб олинган гувоҳнома (депутат ва сенаторнинг гувоҳномаси) ички ишлар органларига ёки тегишли сайлов комиссиясига топширилиши лозим.

9. Яроқсиз ҳолга келган, топиб олинган ёки ваколатлари муддатидан илгари тугатилган депутатнинг гувоҳномалари тегишли сайлов комиссиясига қайтарилганидан сўнг фойдаланиб бўлмайдиган ҳолга келтирилади (кесиш йўли билан) ҳамда белгиланган тартибда йўқ қилинади ва бу ҳақда тузилган далолатнома тегишли вилоя, туман ва шаҳар ҳокимлигининг идоравий архивда сақланади.

IV боб. Якунловчи қоидалар

10. Депутат гувоҳнома ва кўкрак нишонидан ўз ваколатлари муддати мобайнида фойдаланади.

Депутат ўз ваколатларини амалга ошираётганда гувоҳномасини кўрсатиб, тегишли вилоят, туман ва шаҳар ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга монеликсиз кириш ҳуқуқидан, шунингдек уларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари томонидан дарҳол қабул қилиниш ҳуқуқидан фойдаланади.

Депутат гувоҳнома ва кўкрак нишонини авайлаб асраши шарт.

11. Депутатнинг кўкрак нишонини ва (ёки) гувоҳномасини олиб қўйиш, шунингдек кўкрак нишонини ва (ёки) гувоҳномани бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

12. Депутатнинг ваколатлари муддати тугаганидан кейин гувоҳнома ва кўкрак нишони ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади ҳамда депутатлик ваколатини ўтаган шахсда эсдалик сифатида қолади.

13. Депутатнинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда гувоҳнома ва кўкрак нишони вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари орқали ўн кундан кечиктирмай тегишли сайлов комиссиясига қайтарилиши шарт.

14. Депутат вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг ваколатлари муддатига сайланган даврда вафот этган тақдирда гувоҳнома ва кўкрак нишони унинг оила аъзоларида хотира тариқасида қолади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2020 йил 6 январдаги 1019-сон қарорига
2-ИЛОВА

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутати кўкрак нишонининг
Т А В С И Ф И

1. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутати (бундан буён матнда депутат деб юритилади) кўкрак нишони Ўзбекистон Республикаси давлат байроғининг ҳилпираб турган тасвири кўринишида бўлади.

Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутатларининг кўкрак нишони Қорақалпоғистон Республикаси давлат байроғининг ҳилпираб турган тасвири кўринишида бўлади.

2. Депутат кўкрак нишонининг асоси мис қотишмадан тайёрланади. Кўкрак нишоннинг олд томони сирланган мовий, оқ ва яшил рангдаги тасма чизиқлар ҳамда қизил рангдаги ҳошия чизиқ билан қопланган. Оқ тасма чизиқ мовий ва яшил тасма чизиқлардан сирланган қизил рангдаги ҳошия билан ажралиб туради. Кўкрак нишондаги тасвирлар, ёзув, нишон қирралари ҳамда орқа томони зарҳал қилиб ишланган.

3. Кўкрак нишон олд томонининг юқори чап бурчагида мовий фонда ярим ой ва ундан ўнгроқда уч қаторда ўн иккита беш қиррали юлдуз тасвирланган. Ярим ой вертикал ҳолатда жойлаштирилган, юлдузлар эса ундан ўнгроқда, уч қаторда қуйидаги тартибда жойлаштирилган: юқори қаторда учта, ўрта қаторда тўртта ва қуйи қаторда бешта юлдуз.

4. Депутат кўкрак нишонининг оқ тасма чизиғи устида лотин ёзувида «VILOYAT (TUMAN, SHAHAR)» сўзлари, яшил тасма чизиғи устида лотин ёзувида икки сатрда «KENGASHI DEPUTATI» сўзлари битилади.

5. Нишон тўғноғич билан тақилади.

6. Кўкрак нишоннинг катталиги 24х35 миллиметр.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2020 йил 6 январдаги 1019-сон қарорига
2-а ИЛОВА

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутати кўкрак нишонининг
Н А М У Н А С И



Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2020 йил 6 январдаги 1019-сон қарорига
3-ИЛОВА

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутати гувоҳномасининг
Т А В С И Ф И

1. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг (бундан буён матнда депутат деб юритилади) гувоҳномаси 90х60 миллиметр ўлчамдаги қаттиқ чарм муқовали китобча кўринишига эга бўлади.

2. Вилоят Кенгаши депутати гувоҳномасининг муқоваси тўқ қизил рангли, туман Кенгаши депутати гувоҳномасининг муқоваси тўқ кўк рангли, шаҳар Кенгаши депутати гувоҳномасининг муқоваси тўқ яшил рангда бўлади.

3. Гувоҳноманинг олд томон чап қисмининг юқорисида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербига ўхшаш металдан тайёрланган тасвир ўрнатилган бўлиб, пастда ўнгроқда эса икки сатрда «XALQ DEPUTATLARI VILOYAT (TUMAN, SHAHAR) KENGASHI DEPUTATI» деган матн жойлаштирилади.

Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари гувоҳномасининг олд томон чап қисмининг юқорисида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат гербига ўхшаш металдан тайёрланган тасвир ўрнатилган бўлиб, пастда ўнгроқда эса икки сатрда «ХАЛЫҚ ДЕПУТАТЛАРЫ РАЙОН (ҚАЛА) КЕҢЕСЛЕРИ ДЕПУТАТЫ» деган матн жойлаштирилади.

4. Гувоҳнома ички сўл томонининг чапдан юқори қисмига Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг (Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари гувоҳномасида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат герби) тасвири туширилган, пастроқда эса икки сатрда – халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлови бўлган йил ва депутат ваколати тугайдиган йилни кўрсатувчи рақамлар жойлаштирилади.

5. Гувоҳнома сўл томонининг ўнгдаги юқори қисмига бир сатрда «O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI» сўзлари (Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари гувоҳномасида “QORAQALPOG’ISTON RESPUBLIKASI”), пастроқда «GUVOHNOMA» сўзи ёзилган бўлиб, ундан ўнгроқда гувоҳноманинг тартиб рақами қўйилади. Ушбу матндан пастроқда алоҳида сатрда депутатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек уч сатрда тегишли халқ депутатлари Кенгашининг номи ва «deputatidir» деган матн жойлаштирилади.

Гувоҳнома ички сўл томонидаги ёзувлар лотин ҳарфларида битилган.

6. Гувоҳнома ички ўнг томонининг чап қисмида депутатнинг 30х40 миллиметр катталикдаги рангли фотосурати жойлаштирилади. Фотосурат ўнг

томонининг пастки бурчагига тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг гербли муҳри босилади.

Гувоҳнома ўнг томонининг юқори қисмида бир сатрда «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ» сўзлари (Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари гувоҳномасида “ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ” деган сўзлар қорақалпоқ тилида), пастроқда бир сатрда «ГУВОҲНОМА» сўзи ёзилган бўлиб, ундан ўнгроқда гувоҳноманинг тартиб рақами қўйилади.

Ушбу матндан пастроқда алоҳида сатрда депутатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек уч сатрда: тегишли Халқ депутатлари кенгашининг номи ва «депутатидир» деган матн жойлаштирилади.

Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари гувоҳномасининг ички ўнг томонидаги барча ёзувлари қорақалпоқ тилида ёзилади.

7. Депутатнинг фотосурати тагига: «Вилоят (туман, шаҳар) сайлов комиссияси раиси» деган матн ёзилади, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси раисининг имзоси, исми ва отасининг исми бош ҳарфи ва фамилияси қўйилади.

Гувоҳноманинг ички ўнг томонидаги матнлар кирилл ҳарфларида ёзилади.

8. Гувоҳноманинг ички томонлари оч сариқ рангдаги оқ силлиқ қоғоздан тайёрланган. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири рангли кўринишда босилади. Гувоҳномадаги матнлар ва рақамлар қора рангда берилади. Гувоҳнома тартиб рақами депутат сайланган сайлов округи тартиб рақамига мувофиқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2020 йил 6 январдаги 1019-сон қарорига
3-а ИЛОВА

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутати гувоҳномасининг
Н А М У Н А С И









XALQ DEPUTATLARI
SHAHAR KENGASHI DEPUTATI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

GUVOHNOMA № 001

SAIDOV
SAID
SAIDOVICH

Xalq deputatlari
_____ shahar Kengashi
deputatidir

2020
2024

ЎЗБЕКИСТОН РУСПУБЛИКАСИ

ГУВОҲНОМА № 001

САИДОВ
САИД
САИДОВИЧ

Халқ депутатлари
_____ шаҳар Кегаши
депутатидир

_____ шаҳар
сайлов комиссияси Раиси

_____

ХАЛЫҚ ДЕПУТАТЛАРЫ РАЙОН
КЕҢЕСЛЕРИ ДЕПУТАТЫ



QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ

GÚWALÍQ № 001

SAIDOV
SAID
SAIDOVICH

Xalıq deputatları
_____rayonlıq
Keńesi deputatı

2020
2024

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ

ГҮЎАЛЫҚ № 001

САИДОВ
САИД
САИДОВИЧ

Халық депутатлары
_____районлық
Кеңеси депутаты

М.Ў.

_____районлық сайлаў
комиссиясы Баслығы

_____

ХАЛЫҚ ДЕПУТАТЛАРЫ ҚАЛА
КЕҢЕСЛЕРИ ДЕПУТАТЫ



QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ

GÚWALÍQ № 001

SAIDOV
SAID
SAIDOVICH

Xalıq deputatları
_____ qalalıq
Keńesi deputatı

2020
2024

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ

ГҮЎАЛЫҚ № 001

САИДОВ
САИД
САИДОВИЧ

Халық депутатлары
_____ қалалық
Кеңеси депутаты

М.Ў.

_____ қалалық сайлаў